# Мавзу:

# ТИТРАШ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ АНИҚЛАШ

**Ишнинг мақсади:** Титрашнинг асосий кўрсаткичларини ўлчаш, ҳисоблаш услублари ва ўлчаш асбоблари билан танишиш.

## Ишнинг вазифаси:

- Титрашнинг асосий кўрсаткичлари, тавсифлари, уни меъёрлаш ва таҳлил қилиш услублари билан танишиш;
- Титрашни ўлчаш асбоблари билан танишиш:
- НВА-1 асбоби билан титрашнинг асосий кўрсаткичларини аниқлашни ўрганиш.

**2-жадвал**

## ТИТРАШ ТЕЗЛИГИ ДАРАЖАСИГА ҚУЙИЛГАН ТАЛАБЛАР (ГОСТ 12.1.012-90)

| Титраш тури | Тит. меъёр йўна-лиши | Титраш тезлигининг ўрта квадратик қиймати (м/с; $10^{-2}$) ва унинг логарифмик даражаси (дБ) октава полосаларининг ўрта геометрик частоталарида, Гц. | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 1 | 2 | 4 | 8 | 16 | 31,5 | 63 | 125 | 250 | 500 | 1000 |
| I | Z ўқи | 20/132 | 7,1/123 | 2,5/114 | 1,3/108 | 1,1/107 | 1,1/107 | 1,1/107 | | | | |
| | X ва Y ўқи | 6,3/122 | 3,5/117 | 3,2/116 | 3,2/116 | 3,2/116 | 3,2/116 | 3,2/116 | | | | |
| II | Z ёки X ва Y ўқи | - | 3,5/117 | 1,3/108 | 0,63/102 | 0,56/101 | 0,56/101 | 0,56/101 | | | | |
| III | Z ёки X ва Y ўқи | - | 1,3/108 | 0,45/99 | 0,22/93 | 0,2/92 | 0,2/92 | 0,2/92 | | | | |
| IV | Z, X , Y ўқи | - | - | - | 5,0/120 | 5,0/120 | 3,5/117 | 2,5/114 | 1,8/111 | 1,3/108 | 0,9/105 | 0,65/102 |

ИЗОҲ: 1) титрашнинг турлари: I-умумий; II-транспорт-технологик; III -технологик, асосий иш ўринларида; IV -локал,

2) титрашни меъёрлаш йўналишлари: X ва Y горизонтал; Z-тикка ўқлар.




**1-Расм. Титраш кўрсаткичларини ўлчаш учун лаборатория ускунаси:**

1-фундамент; 2-резина амортизатори; 3-платформа; 4-электр мотори; 5-мотор ўқи; 6-титраш ҳосил қилувчи юк; 7-узгич-қўшгич; 8-титраш изолятори (пружина); 9-ҳимоялаш объекти (металл дисклар шаклида); 10-титраш ўзгартиргичи; 11-бирламчи кучайтиргич; 12-кронштейн; 13-октавалар фильтри; 14-ўлчовчи кучайтиргич; 15- тахометр; 16- лаборатория трансформатори (ЛАТР).




19-расм. Паст частотали титрашни ўлчаш асбоби НВА-1:

**5-расм. Паст частотали титрашни ўлчаш асбоби НВА-1:**

I-ўлчовчи кучайтиргич;
II-октавалар фильтри;
III-бирламчи кучайтиргич;
IV-титраш ўзгартиргичи;
1, 2 ва 3 –тармоққа улаш, аккумуляторга улаш ва зарядлаш тугмачалари;
4-стрелкали асбоб;
5-титрашнинг вақтий кўрсаткичини белгиловчи узгич;
6- иш турини белгиловчи узгич;
7 –ўлчаш чегарасини ўзгартирувчи мурватлар;
8-ўрта квадратик ёки келтирилган тезликни белгиловчи узгич;
9-„кириш” узгичи;
10- октавалар фильтрини улаш жойи;
11-осциллографни улаш жойи;
12-асбобнинг чиқиш уячаси;
13-аккумуляторлар кучланишини текшириш тугмачаси;
14-калибровка қилиш щлици.



20-расм. ВР-1 механик титраш ўлчагичнинг ички тузилиши ва ишлаш принципи

## 3.1. ТИТРАШ ИЗОЛЯТОРЛАРИ ҚЎЛЛАНИЛМАГАНДА ҲИМОЯЛАШ ОБЪЕКТИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ТИТРАШ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ АНИҚЛАШ.

1) ҳимоялаш объекти остидаги титраш изоляторлари ечиб олинади ва объект 9 платформа 2 устига маҳкамланади;
2) узгич 6 „октава" ҳолатига қўйилади;
3) „бўлувчи I, дБ" „100" , „бўлувчи II, дБ" „20" ҳолатига қўйилади;
4) узгич 5 „секин" ҳолатига қўйилади;
5) октава фильтрларини қўшиш тугмачаларидаги (17) „2" ўрта геометрик частоталиси босилади;
6) асбоб стрелкаси жойидан қўзғалиб шкаланинг „0" белгисидан тепа қисмидан жой олса, ўлчаш натижаси қуйидаги тартибда ҳисобланади:

„бўлувчи I, дБ" + „бўлувчи II, дБ" + "стрелка кўрсаткичи";

7) агарда асбоб стрелкаси жойидан қўзғалмаса, олдин ўнг томондаги мурват 7 („бўлувчи II, дБ ") ҳолати „10", кейин эса „0" ҳолатга туширилади. Бу ҳолатларда ҳам стрелка жойидан қўзғалмаса чап томондаги мурват 7 („бўлувчи I, дБ") ҳолати кетма – кет кичик томонга қараб ўзгартирилади, ва юқорида келтирилган тартибда ўлчаш натижаси ҳисоблаб олинади;
8) ўнгдаги ва чапдаги мурват 7 яна энг катта кўрсаткичлар („100" ва „20") ҳолатларига қўйилади;
9) октава фильтрларини қўшиш тугмачасининг иккинчиси („4") босилади, ҳамда 6 ва 7 бандларда келтирилган тартибда ўлчаш ўтказилади;
10) октава фильтрларининг 8, 16, 31.5 ва 63 ўрта геометрик частоталари тугмачалари билан ҳам шу тартибда ўлчашлар ўтказилади, фақат бу ўлчамларда узгич 5 „тез" ҳолатига ўтказилиши керак;
11) ўлчаш натижалари 1 – жадвалга киритилади;
12) юқорида келтирилган ўлчашлар титраш ўзгартиргичи горизонтал (X) ўқи йўналишида маҳкамланиб ҳам ўтказилади.

## 3.2. ТИТРАШ ИЗОЛЯТОРЛАРИНИ ҚЎЛЛАНИЛГАНДА ҲИМОЯЛАШ ОБЪЕКТИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ТИТРАШ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ АНИҚЛАШ.

1) ҳимоялаш объекти остига резинкадан қилинган титраш изолятори қўйилади ва 3.1. бўлимда келтирилган тартибда ўлчашлар Z ва X ўқлари йўналишида ўтказилади;
2) ўлчаш натижалари 1 – жадвалга киритилади;
3) худди шу тартибда, бошқа титраш изоляторлари – пружина, резина – пружина изоляторларини қўллаб ўлчашлар (Z, X ўқларида) ўтказилади ва натижалар 1 – жадвалга киритилади.

## 3.3. ЎЛЧАШ НАТИЖАЛАРИНИ ТАҲЛИЛЛАШ ВА ХУЛОСА ҚИЛИШ.

1) 1-жадвалдаги меъёрий қийматлар 2-расмдаги графикка туширилади;
2) 1-жадвалга киритилган ўлчаш натижалари ҳам 2-расмдаги графикка туширилади;
3) ўлчаш натижалари ва меъёрий қийматлар ўзаро солиштирилади;
4) солиштириш натижасига қараб хулоса қилинади;
5) зарур ҳолатларда титрашни сусайтириш бўйича кўрсатмалар ишлаб чиқилади.

## 3. ЛАБОРАТОРИЯ УСКУНАСИДА ЎЛЧАШЛАР ЎТКАЗИШ.

Лаборатория ускунасида ўлчашлар ўтказишдан олдин ГОСТ 12.1.012-90 талаблари, ҳамда титраш кўрсаткичларини ишлаб чиқариш хоналаридаги иш ўринларида ўлчашга қўйиладиган асосий талаблар билан жуда мукаммал равишда танишиш керак.

Ўлчашларни бошлашдан олдин 1-жадвал ва 2- расм дафтарга кўчирилиши керак.

1-ЖАДВАЛ

### ЛАБОРАТОРИЯ УСКУНАСИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ТАЖРИБА НАТИЖАЛАРИ ЖАДВАЛИ.

| Титраш тури | Титраш изолятори тури | Титраш йўналиши | Титраш тезлиги даражаси ($L_v$, дБ) ва титраш тезлигининг ($V_т$, м/с $\cdot 10^{-2}$) ўрта квадратик қиймати ўрта геометрик частотали (Гц) октава полосаларида | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2 | 4 | 8 | 16 | 31,5 | 63 |
| Технологик, ўзгармас иш ўрнида. | Титраш изоляторисиз | Z | | | | | | |
| | | X | | | | | | |
| | Резина | Z | | | | | | |
| | | X | | | | | | |
| | Пружина | Z | | | | | | |
| | | X | | | | | | |
| | Резина- пру-жина | Z | | | | | | |
| | | X | | | | | | |
| Меъёрийси | | Z | $\frac{108}{1,3}$ | $\frac{99}{0,45}$ | $\frac{99}{0,22}$ | $\frac{92}{0,2}$ | $\frac{92}{0,2}$ | $\frac{92}{0,2}$ |
| | | X | $\frac{108}{1,3}$ | $\frac{99}{0,45}$ | $\frac{99}{0,22}$ | $\frac{92}{0,2}$ | $\frac{92}{0,2}$ | $\frac{92}{0,2}$ |




2–расм. Титрашни спектрал таҳлил қилиш графиги.



ВШВ-003-М3 - ИЗМЕРИТЕЛЬ ШУМА, ВИБРАЦИИ, ИНФРАЗВУКА И УЛЬТРАЗВУКА (ВИБРОШУМОМЕР, ВИБРОМЕТР, ШУМОМЕР).



**ВВМ-311 - ВИБРОМЕТР (ВИБРОИЗМЕРИТЕЛЬ), ИЗМЕРИТЕЛЬ ПАРАМЕТРОВ ВИБРАЦИИ (ВИБРОУСКОРЕНИЯ, ВИБРОСКОРОСТИ, ВИБРОПЕРЕМЕЩЕНИЯ).**

# Назорат саволлари

- Титраш деб нимага айтилади?
- Титраш юзага келишининг асосий сабаби нима?
- Титрашнинг инсон организмига қанақа салбий таъсирлари бор?
- Титраш қанақа асосий катталиклар билан характерланади?
- Титраш тезлиги ва тезланишининг логарифмик даражалари қанақа аниқланади?
- Титраш узатиш йўли бўйича ва ҳосил бўлиш манбаси бўйича қанақа турларга бўлинади?
- Титраш спектри ва частотаси бўйича қанақа турларга бўлинади?
- Титраш вақтий кўрсатгичи бўйича қанақа турларга бўлинади?
- Титрашни спектрал таҳлил қилиш деганда нима тушунилади?
- Титрашни меъёрлаш қандай олиб борилади?
- НВА–1 титрашни ўлчаш асбоби қанақа блоклардан иборат ва уларнинг вазифалари?
- Титрашни ўлчаш лаборатория ускунасининг умумий тузилиши ва қисмларининг вазифаси нимадан иборат?
- Лаборатория ускунасини ишга тайёрлаш нимадан иборат?
- НВА–1 асбобида ўлчаш натижаси қанақа тартибда олинади?